

РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИ СУДДА ҚЎЛЛАШ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

Хатамов Шукурулло Убайдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси,
“Прокурорлик фаолияти” Магистратура тингловчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20681826>

Аннотация. Мазкур илмий мақолада рақамли далиллар тушунчасининг илмий-назарий асослари ҳамда унинг ҳуқуқий табиати таҳлил қилинган. Тадқиқотда “электрон далил” ва “рақамли далил” атамаларига нисбатан миллий ва хорижий олимларнинг қарашлари ўрганилиб, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ёритилган. Рақамли далилларнинг суд ва тергов амалиётидаги аҳамияти, уларни йиғиш, сақлаш, тегишириш ҳамда баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Шунингдек, халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибалар асосида рақамли далилларнинг ҳуқуқий мақоми таҳлил этилган. Муаллиф томонидан мавжуд илмий ёндашувлар умумлаштирилиб, “рақамли далил” тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари рақамли далиллар институтини такомиллаштириш ва уни ҳуқуқни қўллаш амалиётига самарали жорий этишига хизмат қилади.

Калит сўзлар: рақамли далил, электрон далил, суд исботи, рақамли криминалистика, электрон маълумотлар, ахборот технологиялари, кибержиноятлар.

Аннотация. В данной научной статье проанализированы научно-теоретические основы понятия цифровых доказательств и их правовая природа. В исследовании изучены взгляды отечественных и зарубежных учёных на понятия «электронное доказательство» и «цифровое доказательство», раскрыты их сходства и различия. Освещены значение цифровых доказательств в судебной и следственной практике, а также особенности их собирания, хранения, проверки и оценки. Кроме того, на основе международных стандартов и передового зарубежного опыта проведён анализ правового статуса цифровых доказательств. Автор обобщены существующие научные подходы и разработано авторское определение понятия «цифровое доказательство». Результаты исследования направлены на совершенствование института цифровых доказательств и их эффективное внедрение в правоприменительную практику.

Ключевые слова: цифровое доказательство, электронное доказательство, судебное доказывание, цифровая криминалистика, электронные данные, информационные технологии, киберпреступления.

Annotation. This scientific article analyzes the theoretical foundations of the concept of digital evidence and its legal nature. The study examines the views of national and foreign scholars regarding the terms “electronic evidence” and “digital evidence,” highlighting their similarities and differences. It also explores the significance of digital evidence in judicial and investigative practice, as well as the specific features of its collection, preservation, examination, and evaluation. Furthermore, the legal status of digital evidence is analyzed on the basis of international standards and advanced foreign experience. The author summarizes existing scientific approaches and develops an original definition of the concept of “digital evidence.”

The findings of the study contribute to the improvement of the institution of digital evidence and its effective implementation in law enforcement practice.

Keywords: *digital evidence, electronic evidence, judicial proof, digital forensics, electronic data, information technologies, cybercrime.*

Рақамли технологияларнинг ривожланиши янги тушунча ва терминларни назария ҳамда амалиётга жорий этиш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, агар ўтган асрнинг 90-йилларида “Компьютер далили” ёки “Интернет-далили” каби атамалар кенг қўлланилган бўлса, бугунги кунда “электрон далил” ёки “рақамли далил” тушунчалари ҳамда уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш масалалари ҳуқуқшунос олимлар ўртасида кескин баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Ушбу тушунча ва терминлар қонун чиқарувчи томонидан турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнларида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда қабул қилинаётган кўплаб қонунчилик ҳужжатларида “Рақамли Ўзбекистон”, “Рақамли иқтисодиёт”, “Рақамли маркировка”, “Электрон рақамли имзо”, “Электрон давлат хизматлари”, “Электрон маълумотлар”, “Электрон харид” ва “Электрон платформа»” каби атамаларга дуч келиш мумкин.

Афсуски, бу борада қонунчиликда қайси термин илмий жиҳатдан тўғри ва асосли эканини тасдиқлайдиган монографик тадқиқотлар мавжуд эмас. Шу маънода рақамли технологияларга оид терминларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш ва уларга доир илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқиш ҳуқуқ назарияси ва амалиётидаги тизимли муаммолардан бири сифатида қаралиши мумкин.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда юридик адабиётларда “рақамли далил”ларнинг тушунчасига нисбатан ҳуқуқшунос олимлар икки гуруҳга бўлинишган. Биринчи гуруҳ олимлари ушбу далилларга нисбатан “электрон далил” тушунчасини қўллашса, иккинчи гуруҳ олимлари “рақамли далил” тушунчасини қўллаб келишмоқда.

Жумладан, биринчи гуруҳ олимлари (О.Ш.Пирматов, М.К.Кадирова, Р.К.Абдуллаев, В.Б.Вехов ва С.В.Зуев) томонидан ушбу далилларга нисбатан “электрон далил” атамасини қўллаш таклиф этилган.

Ҳуқуқшунос олим О.Ш.Пирматовнинг фикрига кўра, “электрон далил” – бу суд ишларини юритиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган, техник воситалар ва ахборот тизимлари ҳамда ахборот технологиялари ёрдамида яратилган, қайта ишланган, сақланган ва уни идентификация қилишга имкон берувчи реквизитларга эга ахборотдир[1]. Шунингдек, олим “рақамли далиллар” тушунчасини ҳам илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишга ҳаракат қилган бўлиб, унинг фикрича, “рақамли далил” – бу иқтисодий процессуал ҳуқуқда тарафларнинг талаб ва эътирозларини асословчи ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини суд томонидан аниқлаш учун хизмат қилувчи ҳар қандай фактик маълумотлар, шунингдек иккилик ҳисоблаш тизими асосида яратилган далиллардир[1].

Ушбу ҳуқуқшунос олимнинг фикрича, “электрон далил” тушунчаси рақамли далиллар тушунчасидан кенгрокдир. Бироқ ҳуқуқшунос олим О.Пирматов томонидан берилган таърифларда электрон ва рақамли далилларнинг ҳуқуқий табиати, моҳияти ва уларнинг фарқловчи хусусиятлари тўлиқ тадқиқ этилмаган. Шу сабабли, мазкур таърифларни тўлиқ ва етарли деб баҳолаб бўлмайди.

Бизнингча, “рақамли далиллар” – бу муайян ахборот технологиялари воситаларида қайд этилган суд ишларини юритиш ва қонуний, асосли ва адолатли суд ҳужжатларини қабул қилишда асосий рол ўйнайдиган далилларнинг бир тури ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бир гуруҳ олимларнинг илмий-назарий қарашларида “электрон далил” ва “рақамли далил” тушунчалари юзасидан аниқ ва яқдил фикрлар мавжуд эмас.

Шунингдек, Ҳуқуқшунос олима А.А.Балашованинг фикрича, “электрон далил” – бу ҳар қандай электрон тарзда шаклда сақланувчи ва суд ишларини юритишда фойдаланиладиган далилларнинг бир тури ҳисобланса[2], С.В.Зуеванинг фикрига кўра “электрон далил” адолатли суд ишларини юритишда, далилларнинг мақбуллигини таъминлашда ва суд муҳокамасига нисбатан тарафларнинг ишончини оширишда муҳим рол ўйновчи далилларнинг бири эканлиги[3], В.В.Долганичеванинг илмий-назарий қарашларида эса, “электрон далил” – бу ҳар қандай электрон шаклда сақланувчи ва суд жараёнида далил сифатида қўлланилиши мумкин бўлган ахборотдир[4] .

Бизнингча, “электрон далил” ва “рақамли далил” ҳам электрон шаклдаги ҳужжатлар, электрон хатлар ёки бошқа файллар кўринишида, шунингдек тармоқ ёки интернет-провайдерлар томонидан сақланадиган электрон маълумотлар сифатида намоён бўлади.

Ушбу олимлар электрон далилларни моддий далилларнинг турларидан бири сифатида эътироф этган. Бироқ таърифда “Электрон” тушунчасининг илмий жиҳатдан етарли асосланмагани туфайли далилларга нисбатан электрон атамасини қўшиб ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас.

Юридик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, биринчи гуруҳ олимлари рақамли далилларни далилларнинг бир тури сифатида қараш лозим эканлиги ва ушбу электрон далилларни далиллардан алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ эмаслиги таъкидлайди.

Жумладан, мазкур олимлар гуруҳ олимлари рақамли далилларни жиноят процессининг алоҳида турдаги далили сифатида белгилашга нисбатан инкорий муносабат билдирган.

Хусусан, ҳуқуқшунос олим Р.И. Оконенко ўз тадқиқотида “электрон далил” тушунчасини илгари сурган бўлиб, унинг фикрича ҳозирги вақтда “электрон далиллар”ни ҳуқуқнинг бир категорияси сифатида талқин қилишга эрта, шунинг учун электрон далил алоҳида далил тури ҳисобланмайди[5] .

Бошқа бир ҳуқуқшунос олим П.С. Пастуховнинг тадқиқотларида ҳам шунга ўхшаш фикр кузатилади. Жумладан, ҳуқуқшунос олим Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодексига янги далил тури (электрон далил) ёки янги манба (ахборотнинг электрон ташувчиси)ни киритиш шарт эмаслигини, фақат “далил” тушунчасини аниқлаш

кифоя эканини қайд этади. Олимнинг фикрича, маълумотлар электрон шаклда мавжуд бўлиши мумкин, аммо улар анъанавий далилларнинг бир тури ҳисобланади[6].

Фикримизча, юқорида олимларнинг фикрига қўшилмаган ҳолда, “электрон далил ёки “рақамли далил”лар ҳам ёзма далиллардан мутлақо фарқ қилади. Сабаби, амалдаги процессуал қонунчиликка мувофиқ, бундай далилларни йиғиш, сақлаш, текшириш ва баҳолаш мезонлари ёзма далиллар каби бир хил бўлиши лозим бўлар эди. Аммо рақамли далиллар анъанавий далиллар мезонларининг бирортасига тўлиқ жавоб бермайди. Шу боисдан, ушбу қарашлар тўғри деб бўлмайди.

Иккинчи гуруҳ олимлари (Б.З.Каримов, Д.М.Топилдиева, А.Ю.Черданцев, Шон Гудисон, Роберт Дэвис, Брайан Жексон, Ричард Сеферштейн, Йоган Кесей, Андре Арнес ва бошқа) биринчи гуруҳ олимларининг фикрига қарама қарши ўлароқ “рақамли далил” тушунчасини илгари сурадилар.

Жумладан, ҳуқуқшунос олим Б.Каримовнинг фикрича, рақамли далил – бу суд ишларини юритишда судларнинг иши учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган электрон маълумотлардир[7].

Ҳуқуқшунос олим А.Ю.Черданцевнинг фикрига кўра, рақамли далиллар бу судлар томонидан ҳар қандай электрон шаклда сақланувчи ва суд жараёнида далил сифатида қўлланилиши мумкин бўлган ахборотдир[8].

Бундан ташқари, ҳуқуқшунос олимлар Шон Гудисон, Роберт Дэвис ва Брайаннинг фикрига кўра, рақамли далиллар — бу инсонлар ва воқеалар ўртасидаги вақт ва муҳитдаги сабаб-оқибат боғлиқликларини аниқлашга қаратилган ахборотдир[9].

Фикримизча, бироқ мазкур таъриф умумий характерга эга бўлиб, уни анъанавий далил турларига ҳам татбиқ этиш мумкин. Шу сабабли, унда рақамли далилларга хос ўзига хос хусусиятлар етарлича акс этмаган деб, ҳисоблаш мумкин. Рақамли далиллар ёзма далилларга кўра кенг қўламли бўлиб, ўзаро фарқли, ҳаракатчан ва моддий далилларга нисбатан махсус тайёргарлик ва техник воситаларни талаб қилади.

Яна бир ҳуқуқшунос олим Ричард Сеферштейн рақамли далилларни “1” ва “0” рақамларидан иборат ҳисоблаш тизими орқали сақланувчи ҳамда дастур ёки кодда белгиланган кўрсатмалар асосида қайта тикланадиган ахборот сифатида таърифлайди.

Унинг фикрича, мазкур кўрсатмалар ёрдамида ҳар қандай ахборот, масалан фото, матн ёки электрон жадвал кўринишида яратилиши ва сақланиши мумкин. Бундай усулда сақланган далилларни кидириш ва улардан фойдаланиш суд-экспертиза фаолиятининг тез суръатлар билан ривожланаётган йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу соҳанинг мазмуни эса технологиялар тараққиёти билан бирга узлуксиз ўзгариб бормоқда[10].

Бизнингча, ушбу таъриф рақамли далилларнинг қабул қилиниш имкони ва уларнинг бутунлиги каби муҳим хусусиятларни қамраб олмаган. Шу билан бирга, таъриф амалиётга йўналтирилган бўлиб, назарий жиҳатдан рақамли далиллар шакли фақат “1” ва “0” тизими билан чекланиб қолмайди.

Ҳуқуқшунос олим Йоган Кесей (Eoghan Casey) рақамли далиллар ёки электрон далилларни суд жараёни иштирокчилари томонидан суд муҳокамасида қўлланилиши

мумкин бўлган, рақамли шаклда сақланадиган ёки узатиладиган ҳар қандай исботловчи ахборот сифатида таърифлайди[11]. Олимнинг фикрига кўра, рақамли далилни қабул қилишдан олдин суд, аввало, унинг тегишлилигини қабул қилиниши мумкинлигини ва тақдим этилган нусханинг етарлилигини ёки оригинални талаб қилиш зарурлигини белгилаб олиши лозим.

Олиб берилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Норвегиялик ҳуқуқшунос олим Андре Арнес рақамли далилларни ҳодиса ёки жиноят тўғрисидаги гипотезани тасдиқловчи ёки инкор этувчи, ишончли маълумотларни ўз ичига олган ҳар қандай рақамли ахборот сифатида таърифлайди[12].

Бизнинг фикримизча, Йоган Кесей ва Андре Арнес томонидан берилган таърифларда рақамли далилларнинг бутунлигини (масалан, ғаразли мақсадларда ўзгартириш киритиш) таъминлаш масалалари акс этмаган. Шу боис, ушбу таърифларга ҳам тўлиқ кўшилиб бўлмайди.

Россиялик ҳуқуқшунос олим А.Ю.Черданцев ўз тадқиқотларида рақамли (электрон) далил тушунчасини илгари сурган. Унинг фикрича, рақамли (электрон) далиллар – бу жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатларга оид, далилларни йиғиш, текшириш ва баҳолаш жараёнида иккилик формада сақланувчи ёки узатиладиган ахборотдир[8].

Фикримизча, олим таклиф қилган “рақамли (электрон) далил” атамаси унга берилган таърифнинг техникавий хусусиятларига тўлиқ мос келмайди. Шу билан бирга, таърифда электрон далилнинг ўзига хос хусусиятлари ва фарқловчи жиҳатлари ҳам акс этмаган. Бундан ташқари, рақамли далиллар тушунчасини фақат жиноят ҳуқуқи соҳалари билан чеклаш унинг тор доирада ишлаб чиқилганини кўрсатади. Чунки рақамли далиллар тушунчаси процессуал ҳуқуқнинг барча тармоқлари учун бир хил шакл ва мазмунга эга.

Тадқиқотчи Б. Каримов томонидан берилган “Рақамли далил” тушунчаси ҳақиқатга нисбатан яқинроқ. Тадқиқотчининг фикрича, рақамли далил – бу рақамли қурилма ва тармоқда сақланадиган ёки улар орқали узатиладиган, инсон фаолияти ёки кибер жараён натижасида юзага келган, иш учун аҳамиятли ва қадрли бўлган ахборотдир[13].

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Россия Федерацияси ва МДХ давлатларининг жиноят-процессуал қонунчилигида рақамли далилларнинг бутунлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизми аниқ белгиланмаган. Шу муносабат билан АҚШнинг NIST (2006), NIJ (2001), Буюк Британиянинг ASPO (2011), Interpol (2019), DFRWS (2008) каби илғор халқаро амалиётларига, шунингдек ISO/IEC халқаро стандартларига эътибор қаратмоқ зарур. Ушбу манбаларда рақамли далилларнинг ҳуқуқий мақоми ва улар билан ишлашнинг халқаро тан олинган методик мезонлари аниқ белгиланган.

Хусусан, АҚШ Миллий Стандартлар ва Технологиялар Институтини (National Institute of Standards and Technology – NIST) рақамли далил тушунчаси юзасидан Йоган Кесей томонидан берилган таърифни келтиради[11]. Жумладан, ҳуқуқшунос олим Йоган Кесей (Eoghan Casey) рақамли далиллар ёки электрон далилларни суд жараёни иштирокчилари

томонидан суд муҳокамасида қўлланилиши мумкин бўлган, рақамли шаклда сақланадиган ёки узатиладиган ҳар қандай исботловчи ахборот сифатида таърифлайди[14].

АҚШ Миллий Адлия Институтининг (National Institute of Justice – NIJ) эса рақамли далиллар ва электрон далиллар тушунчаларига алоҳида таърифлар берган. Унга кўра, рақамли далил – бу иккилик шаклда сақланадиган ёки узатиладиган ва судда қўлланилиши мумкин бўлган ахборот бўлса[14], электрон далиллар – тергов учун аҳамиятли, электрон қурилмада сақланадиган ёки унда орқали узатиладиган қимматли маълумот ва ахборот сифатида талқин қилинади[15].

Халқаро қидирув бюроси Интерполнинг (Interpol) рақамли криминалистика лабораториялари учун ишлаб чиққан умумжаҳон қўлланмаларида (Global guidelines for digital forensics laboratories) электрон далилларнинг табиати ва уларнинг экспертизасига оид масалалар ўз аксини топган.

Буюк Британия полициясининг Катта Офицерлар Ассоциацияси (Association of Chief Police Officers – АСРО) рақамли далиллар билан ишлаш бўйича бир қатор методик тавсияларни ишлаб чиққан. Хусусан, АСРОнинг “Компьютер маълумотлар базасидаги электрон далиллар бўйича энг яхши амалий қўлланмаси” (4-версия)да “компьютер электрон далили” атамасидан фойдаланилади. Унга кўра, компьютер электрон далили – бу компьютерда сақланувчи ёки ундан орқали узатиладиган, тергов учун аҳамиятга эга бўлган ахборот ва маълумотлардир[16].

АСРОнинг “Рақамли далиллар бўйича амалий қўлланмаси”нинг (5-версия)да рақамли далил тушунчаси қўлланилган бўлса-да, унга аниқ таъриф берилмаган.

Бизнингча, “далил” тушунчасининг ўзи маълум бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатнинг олдин содир бўлганини тасдиқлайди. Масалан, воқеа жойида бармоқ излари топилганда, терговчи уларни топади, ажратади ва расмийлаштиради, яъни у изларни яратмайди, балки уларни аниқлайди.

Ушбу қоида рақамли далиллар билан ишлашда ҳам амал қилади. Терговчи жиноятчи томонидан олдин қолдирилган рақамли изларни қидиради, олади ва ҳужжатлаштиради. Шу боис рақамли ахборотни “яратиш” ёки “қайта ишлаш” жараёнлари рақамли далил тушунчасини шакллантиришга кирмайди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш ўринлики, ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий қарашларида “электрон далил” ва “рақамли далил” тушунчалари ўртасида бир хил назарий тушунча шаклланмаган. Далилларнинг ушбу турига нисбатан биринчи гуруҳ олимлари “электрон далил” атамасини қўллашган бўлса, иккинчи гуруҳ олимлари эса “рақамли далил” атамасини қўллашни афзал билишган.

Юқорида ҳуқуқшунос олимлар томонидан “рақамли далил” тушунчасига келтирилган илмий-назарий қарашларни таҳлил қилган ҳолда “рақамли далил” тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

“Рақамли далиллар” – бу маълумотларнинг электрон шаклда сақланиши, узатилиши ва қайта тикланиши натижасида ҳосил бўладиган, қонунчилик ва суд амалиётида ҳуқуқий қийматга эга бўлган маълумотлардир.

Ушбу рақамли далиллар суд ишларини юритишда иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган электрон шаклдаги маълумотлар, жумладан электрон тарздаги файллар, аудио-видеоёзувлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида сақланаётган электрон маълумотлар тарзида бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пирматов О.Ш. Процессуальные аспекты электронных доказательств в экономическом и гражданском судопроизводстве // Диссертация доктора философии (PhD) по юридическим наукам - Т.; ТГЮУ. 2020 г. 38 С. -38,39.
2. А.А.Балашова. "Электронные носители информации и их использование в уголовно-процессуальном доказывании. Автореферат дисс.к.ю.н. Москва - 2020.
3. Основы теории электронных доказательств: монография / под ред. д. юрид. наук С.В. Зуева. - Ташкент, 2020. С. 253, 254.
4. Административное судопроизводство: практикум: учебное пособие / под ред. В. В. Долганичева; Урал. гос. юрид. ун-т. - 3-е изд., перераб. и доп. - Москва: Статут, 2023. - 170 с. - ISBN 978-5-8354-1962-3.
5. Оконенко Р.И. "Электронные доказательства" и проблемы обеспечения прав граждан на защиту тайны частной жизни в уголовном процессе: сравнительный анализ законодательства Соединенных Штатов Америки и Российской Федерации: дис... канд. юрид. наук. М., 2016.
6. Пастухов П. С. О развитии уголовно-процессуального доказывания с использованием электронных доказательств // СПС "КонсультантПлюс".
7. Каримов Б.З. Использование возможностей цифровой криминалистики в уголовных делах. Монография. - Т., 2021.- 38 с.
8. Черданцев А. Ю. Понятие цифровых доказательств, современное состояние и их роль в доказывательном процессе. Юридическая наука и практика. 2019. Том 15, No 4. С. 55-60. DOI: 10.25205/2542-0410-2019-15-4-55-60.
9. Various (2009). Eoghan Casey (ред.). Справочник по цифровой криминалистике и расследованию. Academic Press. p. 567. ISBN 978-0-12-374267-4. Получено 2 сентября 2010.
10. Саферштейн, Ричард. Упрощенное руководство по цифровым доказательствам. National Forensic Science Technology Center®NFSTC Largo, Флорида 2015.
11. Casey, Eoghan (2004). Цифровые доказательства и компьютерная преступность, второе издание. Elsevier. ISBN 0-12-163104-4.
12. Андре Арнес. "Цифровая криминалистика." Хобокен, Норвегия. John Wiley & Sons Ltd. 2018. - 7 с.
13. Каримов Б.З. Использование возможностей цифровой криминалистики в уголовных делах. Монография. - Т., 2021.- 38 с.

14. U.S. Department of Justice Office of Justice Programs National Institute of Justice. Электронное расследование сцен преступлений: Руководство для первых ответчиков, второе издание. 2001. 38,49 с.
15. Каримов Б.З. Научно-теоретические вопросы категории цифровых доказательств. Научная статья - Т.: Вестник юридических наук ТГЮУ - Вестник юридических наук - Review of Law Sciences. 5 (2020) 168 с. (168-172 с.).
16. ACPO Good Practice Guide for Computer-Based Electronic Evidence. Официальный релиз версии 4.0. - С. 6-66.